

АЛИМОВА Шахноза Яхшибоевна
Термиз давлат педагогика институти
катта ўқитувчиси, тадқиқотчи
[Sherzod @bk.ru](mailto:Sherzod@bk.ru)

ИСЛОМ ДИНИДА “ПОРА” ВА “ПОРАХЎРЛИК” КОНЦЕПТЛАРИДАГИ НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ПОНЯТИЯМ «ВЗЯТКА» И «ВЗЯТОЧНИЧЕСТВО» В ИСЛАМЕ

THEORETICAL APPROACHES ON THE CONCEPTS OF “BRIBE” AND “BRIBERY” IN ISLAM

Аннотация: Маълумки, коррупция феномени кўп асрлик тарихга эга. Сўнги аср давомида бу ҳодиса ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, маданиятлараро коммуникациянинг турли соҳаларида илмий-тадқиқот мавзусига айланди.

Бироқ, порахўрликнинг юзага келиш ва тарқалишига сабаб бўладиган тушунча ва муносабатларнинг пайдо бўлишидаги шарт-шароитлар ва бунинг асосида жамиятда шаклландиган коррупцияга оид ҳаракатлар илмий жиҳатдан кам ўрганилган.

Ушбу мақолада исломда “пора” ва “порахўрлик” концептларидаги назарий қарашлар таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: когнитив тилшунослик, концептлар, “пора” ва порахўрлик “концептлари, гоҳ, таҳлиллار, дин ва шариат, лугат, таснифлаш ва изоҳлаш, салбий иллат, концептуализация масаласи, миллий-маданий қадриятлар.

Аннотация: Известно, что явление коррупции имеет многовековую историю. За последнее столетие это явление стало предметом научных исследований в различных областях юриспруденции, политологии и межкультурной коммуникации.

Однако условия возникновения понятий и установок, вызывающих возникновение и распространение взяточничества, а также действия, связанные с коррупцией, формирующиеся в обществе на основе этого, научно не изучены.

В данной статье анализируются теоретические взгляды на понятия «взяточничество» и «взяточничество» в исламе.

Ключевые слова: когнитивная лингвистика, понятия «взятка» и «взяточничество», идеи, анализ, религия и право, лексика, классификация и объяснение, негативная установка, проблема концептуализации, национально-культурные ценности.

Annotation: It is known that the phenomenon of corruption has a long history. Over the last century, this phenomenon has become the subject of scientific research in various fields of law, political science and intercultural communication.

However, the conditions for the emergence of concepts and attitudes that cause the emergence and spread of bribery, as well as actions related to corruption that are formed in society on the basis of this, have not been scientifically studied.

This article analyzes theoretical views on the concepts of “bribery” and “bribery” in Islam.

Keywords: cognitive linguistics, concepts of “bribe” and “bribery”, ideas, analysis, religion and law, vocabulary, classification and explanation, negative attitude, problem of conceptualization, national and cultural values.

КИРИШ

Когнитив тилшуносликнинг тадқиқот объектининг марказида концептлар – хотирада муҳрланган сўз бирликлари, инсон онги ва унинг руҳиятида акс этган дунёнинг лисоний манзарасидир. Когнитив тилшунослик намоёндалари ҳар қандай тил маълум бир концептлар тизимидан иборат, деб ҳиоблайдилар. Концептлар орқали тил соҳиблари ташқи дунёдан келадиган маълумотлар оқимини идрок этиши, тузилишини тушуниши, таснифлаши ва изоҳлашлари мумкин.

Объектларнинг туркумланиш хусусияти уларни маълум бир ўхшашликлари бўйича таснифлаш имконини беради. “Тилнинг табиатига когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан қараш бизни нафақат инсон онгида дунёнинг ментал тасвирини, балки бу тасвирнинг тартибли эканлиги, билимларни ифодалашда ташкилий тамойилларни ўз ичига олганлиги, уларнинг концептлар, инсон тафаккурида мазмун ифодаловчи тушунча шаклида мавжуд”лигини кўриш имконини беради [1, 6-7.].

Ҳар бир халқнинг яшаб турган жой шароити, тарихий тараққиёти, моддий-маънавий, диний-руҳий дунёси таъсирида ўзига хос маънога эга

бўлган сўз ва иборалар шаклланиши мумкин. Шу боисдан баъзи бир сўз ва иборалар маълум халқнинг урф-одатларини ифодаловчи ёдгорлик сифатида хизмат қилади. Ҳар бир даврнинг ижтимоий воқелиги, яратилган предмет ва ҳодисалари, кашфиётлари, табиатга бўлган муносабатларини ифодаловчи ўз сўзлари мавжуд. Демак, ҳар бир тилда ўзига хос маъно ифодаладиган сўзлар оз эмас. Ҳар қандай сўзнинг ўзига хос маъно доирасига эга эканлигини кўпроқ шу сўзни бошқа хорижий тил сўзлари билан қиёслаганда билиб олиш мумкин [2, 25-27].

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январь кун Олий мажлисга Мурожаатномасида коррупция “ёвуз бало” эканлигини таъкидлаб, жамиятимиз аъзоларини “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланишга ундади. “... коррупциянинг ҳар қандай кўринишига мурасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шарт. Бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур” [3].

“Коррупция – осийча ҳаёт тарзининг ўзига хос хусусиятларидан бири. Жазонинг муқаррарлиги коррупцияни жиловловчи бирламчи омилдир”, – деган эди Сингапурнинг атоқли давлат арбоби Ли Куан Ю.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “*порахўр*” сўзига шундай таъриф берилган: “*Порахўрлик* – (пора еовчи, олувчи). 1. Пора оладиган, порага ўрганган. 2. Пора олиш билан шуғуланувчи киши”. “*Порахўрлик*” атамаси аслида ўзбек тилига форс тилидан кирган. Унинг араб тилидаги маънодоши эса “*ришва*” дир. Ўзбек тилида ҳам “*порахўр*” билан бирга “*ришва*” ҳам ишлатилади. Бу ҳақда Ўзбек тилининг изоҳли луғатида: “*Ришва(т)хўр* – ришва еовчи, порахўр” дейилади [4].

Ўрта асрларда Европада “порахўрлик” тушунчаси диний сотқинлик, “васваса” сифатида, “иблиснинг васвасаси” ва “гуноҳ” сифатида қаралган.

Дунёнинг етакчи динларида ҳам порахўрлик салбий иллат сифатида қаттиқ қораланади. Масалан, ислом динининг муқаддас китоби “Қуръони карим”да “Бошқаларнинг мулкани ноҳақ йўл билан олманглар ва бошқаларга

тегишли бўлган нарсаларни олиш учун ўз мулкингиздан ҳокимларингизга пора қилиб узатманглар”, дейилган.

Профессор Ғ.М.Ҳошимов “Когнитив тилшунослик – инсон томонидан борлик дунё воқелигини тил орқали англаниши, ўрганилиши, яъни концептлар воситасида унинг инъикос этилиши, ҳис ва идрок қилиниши каби инсон миясида кечувчи мураккаб концептуал жараёнлар билан боғлиқ муҳим йўналишдир” деб таъкидлайди [5, 134-135].

Биз тадқиқотда когнитив тилшуносликда кўп учрайдиган концептуализация масаласига тўхталиб ўтишни жоиз топдик.

Маълумки, “концепт” термини ўтган асрнинг 90 йилларидан бери тилшуносликда кенг қўлланиб келинаётган бўлса-да, концепт тушунчаси борасида ҳозирга қадар яхлит бир умумий изоҳ ёки талқинга тўхталмаган.

“Концепт” термини ва унинг аналоглари “лингвокультурема”, “логоэпистема”, “мифологема”, “ноэма”лар ўзбек тилшунослигида сўнгги йилларда фаол қўлланила бошланди [6].

Ҳозирги вақтда “концепция” термини когнитив тилшуносликда энг кўп ишлатиладиган асосий тушунча сифатида ўзини намоён қилмоқда.

Шу ўринда, “порахўрлик” концептининг таҳлилига тўхталиб ўтамиз. Маълумки, жамиятда адолат ва қонуннинг устувор бўлиши барча халқлар учун долзарб мавзу саналгани боис, ушбу мавзу юзасидан турли тиллар кесимида таҳлиллар олиб борилган. Бу тадқиқотларда порахўрлик каби иллатларга қарши курашиш миллатларнинг миллий-маданий қадриятлари, дунёқарашларини ифодаловчи этнографик лексика жиҳатидан ўрганилган [7, 43-44]. Бироқ ўзбек ва инглиз тилларида “пора”, “порахўрлик” концептларини қиёслаб, уларнинг когнитив жиҳатлари алоҳида тадқиқотга тортилмаган. Бу эса ўз навбатида, бу мавзунинг ўрганишнинг муҳимлигини кўрсатади. Пора ва порахўрлик концептларининг тадқиқот объекти сифатида танланиши, биринчи навбатда куйидагилар билан изоҳланади:

- пора ва порахўрлик концептлари ҳар қандай давлатнинг сиёсий барқарорлиги, ижтимоий, маиший ва маданий ҳаётининг пойдевори ҳисобланади, шу билан бирга,

тилшунослик, маданиятшунослик, фалсафа ва бошқа йўналишларда олиб бориладиган тадқиқотлар учун катта илмий манбадир;

- пора ва порахўрлик концептлари ўз интерпретацион доирасида батафсил таҳлил қилинмаган катта ҳажмдаги лингвистик материал ҳисобланади ва ушбу йўналишда монографик планда тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Тадқиқот объектимиз “порахўрлик” концепциялари бўлиб, у, бир томондан, самимий ва ҳалол бўлиш муҳимлиги ғоясига асосланса, иккинчи томондан, онгли равишда жамиятда адолатсизликнинг келиб чиқиши, ишончнинг йўқолиши, шахсий мақсадларда фойдаланиш, лаганбардорлик, хушомадгўйлик, фирибгарлик, иккиюзламачилик, товламачилик ва очкўзлик ғояларини қамраб олади.

Ушбу мақолада ислом динида “пора” ва “порахўрлик” концептлари ҳақидаги маълум бир илмий қарашлар ҳавола этилади.

Ислом дини шариатида кўра, порахўрлик гуноҳи кабиралардан бири ҳисобланади. Имом Ҳофиз Шамсиддин Заҳабий порахўрликни “Гуноҳи кабиралар” китобида: “Олтмиш олтинчи гуноҳи кабира порахўрлик” деб эътироф этган [8, 102]. Порахўрлик бировнинг молини ноҳақ ейишдир. Аллоҳ таоло “Қуръони карим”да шундай дейди:

وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ وَتُدْنُوا بِهَا إِلَى الْحُكَّامِ لِتَأْكُلُوا فَرِيقًا مِّنْ أَمْوَالِ النَّاسِ بِالْإِثْمِ وَأَنتُمْ تَعْلَمُونَ

“Бир-бирларингизнинг молларингизни ноҳақ еманглар. Била туриб одамларнинг молларидан бир қисмини ейиш мақсадида гуноҳ йўл билан уни ҳокимларга узатманглар” [9].

Порани олган ҳам, берган ҳам, ўртада воситачилик қилган киши ҳам гуноҳкордир. Бу ҳақда ҳам “Тафсири ирфон”да шундай дейилади: “Пайғамбаримиз (с.а.в) дедилар: “Аллоҳ пора берувчини ҳам, олувчини ҳам, ўргаларида тургани ҳам лаънатлади” [10].

Айрим уламолар: “Пора берувчининг мақсади мусулмонга озор етказиш ёки ҳаққи бўлмаган нарсани қўлга киритиш бўлса, у лаънатлангандир. Борди-ю ўзининг ҳаққини қўлга киритиш ёки ўзидан зулми даф қилиш учун пора берса, у лаънатланган бўлмайди.

Ҳокимнинг эса, бирор бир ҳақни бекор қиладими, зулми даф қиладими – фарқи йўқ, пора олиши ҳаром. Ўртадаги киши эса, пора берувчи каби, мақсадига қараб баҳоланади”, – деганлар. Бошқа уламолар бу фикрга қарши чиқиб, поранинг ҳаромлиги мутлақ – ҳамма ҳолда ҳам ҳаром деганлар”, – дейилади.

Поранинг суннатда ҳаром қилинганига келсак, бу борадаги ҳадислар жуда кўп. Улардан бири: “Расулulloҳ (с.а.в.) пора берувчи, пора олувчи ва уларнинг ўртасидаги воситачини лаънатладилар”, дейилган ҳадисдир. Демак, поранинг икки хил, яъни луғавий ва истилоҳий маънолари бор. Луғатда поранинг маъноси “ширинкома – ҳақ, мукофот”, – деб таърифланган. “Ал-Қомус”да “ришват” (“пора”)нинг мисоли ширинкома экани айтилган. “Рашааху” дейилса, унга бирор нарса берилганини айтилади. “Ирташаа” эса ўша нарсани олганини айтилади. “Истаршаа” эса бирор нарса талаб қилганини айтилади [11, 56].

“Ал-Мисбоҳ” асарида айтилишича, “ришват” “пора”нинг касраси билан бирор шахснинг унинг фойдасига ҳукм қилиши ёки унинг истаганини амалга ошириши учун ҳокимга ёки бошқа бировга бирор нарсани берганига айтилади, – дейилган. Ришват сўзининг асли “рашаа”дан олинган бўлиб, жўжа онаси оғзига бирор нарса солиши учун бўйнини – бошини чўзганига айтилади [12].

“Ал-Муғриб” асарида таъкидланишича, “ришват” ва “рушват” деб ҳам айтилиши мумкинлиги, кўплиги “ар-рушаа” келиши зикр қилинган. “Рашааху” дейилса, пора берганини айтилади, “ирташаа минху” дейилса, уни олганини айтилади [13].

Поранинг истилоҳдаги маъноси “Ал-Мисбоҳ” асарида берилган таърифлар билан ўхшашдир. Абу Наср ал-Бағдодий “Шарҳ ал-Қудурий”да: “Пора билан совғанинг фарқи шундаки, пора унга ёрдам берилиши учун берилади, совғада эса бундай шарт бўлмайди”, деб таърифлаган.

Ал-Буқоий “Ал-Муносабот” асарида “*ва тудлу*” сўзини: “Ҳокимларга махфий ҳолатда умумий пора билан ишларни ўзингизнинг фойдангиз тарафига буриш учун бера кўрманглар!”, – дея ифодалаган.

Ал-Ҳалвонийнинг айтишича, “Пора – челақни кудукқа сув тортиб олиш учун махфий

тарзда тушириш маъносида”, – деб изоҳлаган. Яъни, пора берувчи ноҳақ равишда мол-дунё ейишга ҳукм чиқартириш мақсадида ўз порасини махфий равишда ҳокимга беради.

Шу билан бирга ислом дини ва шариатида поранинг турлари, ҳалол бўладиган ва ҳаром бўладиган жиҳатлари ҳам ёритилган. “Фатҳ ал-қадир” асарида бундай дейилган: “**Пора тўрт тур бўлади.** Улардан бири олувчига ва берувчига ҳам ҳаром бўлган тури. У қозилик (ҳукм ўқув) ва амирлик (бошқарув) ишларидаги порадир. Бу ҳолатда қозилиги ўтмайди.

Иккинчи тури қозига ҳукм ўқиши учун пора беришдир. Бу ҳам икки томонга ҳам ҳаромдир. Пора олган иши бўйича чиқарган ҳукм инобатга олинмайди. Чиқарган ушбу ҳукми ҳақ ёки ноҳақ бўлишининг фарқи йўқ. Чунки, агар ҳақ бўлса, унга бу ҳукмнинг чиқаришининг ўзи вожиб бўларди. Бунга мол олиш ҳалол бўлмайди. Ҳукми ботил бўладиган бўлса, нима бўлиши равшан. Пора олиб, сўнг ҳукм чиқариши ва ҳукм чиқариб туриб, сўнг пора олишининг фарқи йўқ.

Учинчиси, подшоҳ олдида зарарни даф қилиш ёки фойдани жалб қилиш мақсадида ишини тўғрилаб бериш мақсадида мол (пора) олишдир. Бу олувчига ҳаром бўлади, берувчига ҳаром бўлмайди. “Ал-Ақзия” асарида ҳадя ва совғанининг бир турини мана шу қисмда зикр қилинган.

Тўртинчиси, ўзига ва мол –дунёсига етиши мумкин бўлган хавфни даф қилиш учун бериладиган нарсаси. Бу ҳам берувчига ҳалол, олувчига ҳаромдир. Чунки, мусулмондан зарарни даф қилиш вожибдир. Вожибни қилиш учун мол олишжоиз бўлмайди” [14].

ХУЛОСА

Маълумки, коррупция феномени кўп асрлик тарихга эга. Сўнгги аср давомида бу ҳодиса ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, маданиятлараро коммуникациянинг турли соҳаларида илмий-тадқиқот мавзусига айланди. Шу нуқтаи назардан, коррупция концепцияси яхлит бир тизим эга бўлган билим, турли изоҳлар ва қарашлардан ташкил топган ассоциацияларни қамраб олади ва бу ҳодиса ҳақидаги билимлар мажмуини ифодалайди.

Халқ тилида соддагина қилиб – порахўрлик, кенг маънода коррупция, деб аталувчи ҳодиса

барча ислоҳотларимиз илдиизига, жумладан, муқаддас ислом дини ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан ҳам ушбу мақолада уни келтириб чиқарувчи сабабларнинг тарихига тўхталиб, бу борада маълум бир қарашлар қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кубрякова Е.С. Об установках когнитивной науки и актуальных проблемах когнитивной лингвистики // Вопросы когнитивной лингвистики. – 2004. - №1.
2. Умархўжаев М.Э. Лексикология: Лексикография. Фразеология. Фразеография. Ўқув қўлланма. – Андижон, Жаҳон-интер-принт, 2010. – 103 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. 2007. 3-жилд. 296-б.
5. Хошимов Г. М. К теории концептов и их таксономики в когнитивной лингвистике.// Системструктур тилшунослик муаммолари. Филология фанлари доктори, профессор Н.К.Турниёзов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. –Самарқанд, 2010.
6. Маматов А. Э. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари// Проф. А.Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2012.
7. KhalifKh.A., Ong‘onda A.N., Dohmen M.N., Falk D.H., Sunde U., Schupp J.& Wagner G. /A Linguistic Analysis of Representation of Corruption and Corruption-Related Clauses in Kenyan Print Media // DOI: 10.47191/-2011, Page No: 4170-4176.
8. Имом Ҳофиз Шамсиддин Заҳабий. Гуноҳи кабиралар. Дилмурод Қўшоқов таржимаси, Ғафур Ғулом нашриёти, - 2020, - 256 б.
9. Қуръони Карим /Бақара сураси 188-оят.
10. Андий. Тафсири Ирфон. 6 жилд. –Тошкент: Шарқ, 2019. – Б. 180-181.
11. Иброҳимов Н., Орипов А., Икромжонов А., Зайриев А. Ал-Қомус. Арабча-ўзбекча қомусий луғат. 1-жилд. Ғофур Ғулом нашриёти, Тошкент, - 2017. – 848 б.
12. Саййид Қосим Ибн Абдулжаббор Андижоний. Ал -Мисбоҳ. Қомус, 2018, - 380 б.
13. Беруний Ҳ. Машхур бидъатлар. Рисола. <http://ahlisunna.uz/mashhur-bidatlar-bayoni/>